# ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом ўсишини истайди. Айни пайтда уни ҳар жиҳатдан камол топтиришга ҳаракат қилади. Бунда жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш катта ёрдам беради.

Кейинги пайтда жисмоний тарбиянинг янги-янги турлари пайдо бўлмоқда. Улардан бири синхрон сузишдир. Синхрон сузиш организмни чиниқтирибгина қолмай, болаларда чаққонлик, ҳушёрлик, таъбир жоиз бўлса онглиликни тарбиялайди. Улар айни пайтда хореография, аэробика сирларидан ҳам воқиф бўладилар.



«Меҳнат резервлари» спорт комплексида сузиш бўйича олимпиада резервлари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида синхрон сузиш секцияси ташкил этилганига бир йил бўлди. Кўзда тутилган асосий мақсад болаларнинг ўз қизиқишлари бўйича шуғулланишлари учун шароит яратиш эди. Вазифа спорт мастери Ирина Михайловна Горскаяга топширилди. Янги секцияни ташкил этишнинг ўзига хос муаммолари ҳам бор эди. Аввало, ҳавза музикалаштирилиши лозим эди. Синхрон сузиш қатнашчилари музика оҳангини фақат сув юзасидагина эмас, сувнинг остида ҳам бамалла эшитиб туришлари лозим. Ана шунда секция қатнашчиларининг ҳаракатлари музика оҳангига мос бўлади. Ҳали бундай шароит яратилгани йўқ. Энг асосийси, машғулотлар йўлга қўйилди. Секция қатнашчилари сувда ўз машқларини такомиллаштириб, маҳоратларини ошира бошлашди.

— Биз машғулотлар пайтида синхрон сузишда қўлланиладиган спортнинг барча турларидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди Ирина Михайловна. — Дастлаб махсус масламалар ёрдамида элементларни такомиллаштирмоқдамиз, кейин эса аэробика ва акробатика билан шуғулланяпмиз. Бу машғулотларнинг ҳаммаси музика оҳанги жўрлигида амалга ошириляпти. Синхрон сузувчилар ўта сезгир бўлишлари, музика оҳангини чуқур ҳис қилишлари лозим. Айни пайтда қизлар чаққон, элементларни таъсирчан бажара оладиган, нафис ҳаракатлари билан завқ уйғотадиган бўлишлари керак. Машғулотлар давомида ана шу хислатларни шакллантиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Гимнастика залидаги машғулотлардан сўнг қизлар ҳавзага тушишади. Бу ерда улар синхрон сузишнинг махсус элементларини ўрганадилар. Бу уларнинг дастлабки одимлари. Тренернинг ниятлари катта. Ҳозир машғулотларда иштиёқ билан қатнашаётган ёш қизлар орасидан яқин келажакда республикамиз шарафини ҳимоя қила оладиган спортчилар тайёрлаш унинг эзгу мақсади.

Бир нарса диққатга сазовор. Қизлар синхрон сузиш билан шуғуллана бошлаганларидан буён шамоллаш сингари касалликлардан бутунлай ҳоли бўлишди. Фанларни ўзлаштиришлари ҳам яхши.

Ирина Михайловна эса секция машғулотларини янада такомиллаштириш тадбирларини кўрмоқда. У икки марта Москвага бориб, бу соҳадаги маҳоратини такомиллаштириб келди. Эътиборни машғулотларни ўз вақтида ва мазмунли ўтказишга қаратмоқда. Вақти-вақти билан қизларнинг тайёргарлигини кўрикдан ўтказиб турибди. Қизлар эса машғулотларда зўр иштиёқ билан қатнашишмоқда.

«Меҳнат резервлари» спорт комплексидаги синхрон сузиш секциясининг эшиги ҳамиша очиқ. Фарзандларини секцияга бериш нияти бўлган ота-оналар секцияга бемалол келишлари мумкин.

**Д. ЛАТИПОВА.**

**СУРАТДА: секцияда навбатдаги машғулот пайти.**

**И. Файзиев** фотоси.

Редактор **Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.**

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/XI да **Фирибгорнинг найранглари** (12.00), **Қуёшга таъзим қил** (19.00), 6/XI да **Гўзал Василиса** (12.00), **Фидойилар** (19.00), 7/XI да **Байрам концерти** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 5/XI да **Ўғрини қароқчи урди** (11.00, 15.00), 6/XI да **Бой ила хизматчи** (12.00), **Кузнинг биринчи куни** (16.00), 7/XI да **Келинлар қўзғолони** (13.00), **Куёв** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/XI да **Узилган торлар**, 6/XI да **Зўлдир**, 7/XI да **Байрам концерти.**

## КИНО

**5 НОЯБРДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

**«АСР ПОЙГАСИ» — Чайка** (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), **Ватан** (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да).

**«ЧИЧЕРИН» — Санъат саройи** (катта зал, 16, 18.30, 20.40; телефон 44-21-44, 44-21-34).

**«ЗИНА-ЗИНУЛЯ» — Москва** (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да), **Восток** (17, 19, 21.00; телефон 91-14-61).

**«КИМ ВА ҚАНДАЙ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги** (16, 18.30, 21.00), **К. Ёрматов номли** (17, 20.00).

**«ҚОТИЛЛИКДА ҚАТНАШГАНЛАР» — Восток** (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (тоқ соатларда).

**«САМРААТ» — Санъат саройи** (кичик зал, 17, 20.00).

**6 НОЯБРДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«АСР ПОЙГАСИ» — **Москва** (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да; телефон 33-05-01)

«ЧИЧЕРИН» — **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00). **Санъат саройи** (катта зал, 10.30, 13, 16, 18.30, 20.40; телефонлар 44-21-44, 44-21-34).

«ЗИНА-ЗИНУЛЯ» — **Ватан** (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да, **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ҚОТИЛЛИКДА ҚАТНАШГАНЛАР» —**Восток** (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (тоқ соатларда).

«ОЛТИН ЛАНГАР»ЛИК БАРМЕН» — **Тинчлик** (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.45).

«ЎЗИНГ АСРА МЕНИ, ТУМОРИМ»— **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«ЙЎҚ ҚИЛИШГА КИРИШИЛСИН»— **Санъат саройи** (кичик зал, 10.30, 14, 17, 20.00).

## ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Тошкентда биринчи марта «ЙИРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАР» аттракционининг гастроллари** (5, 6/X да 10, 12.30, 14.45, 19.30 да).

# реклама ◎◎◎ эълонлар ◎◎◎ реклама

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмаси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

**7, 8, 9 НОЯБРЬ СОАТ 19.30 да**

**Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 69 йиллигига бағишланади.**

**М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ КОНЦЕРТ-ФИЛАРМОНИЯ БИРЛАШМАСИ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА СОЛИСТЛАРИНИНГ**

# КОНЦЕРТИ

**КОНЦЕРТДА**

**Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги-конкурси дипломанти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати**

**«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ**

**«САМАРҚАНД» АНСАМБЛИ**

**Солистлар: Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати**

Дилафрўз ЖАББОРОВА

**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати**

Ғуломжон ЁҚУБОВ,

**НАСИБА АБДУЛЛАЕВА, МУНОЖОТ ЙЎЛЧИЕВАЛАР ҚАТНАШАДИЛАР.**

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассасида соат 14.00 дан сотилади. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

---

**«УЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР» ЭСЛАТАДИ!**

**Электрдан фойдаланганлик учун ўз вақтида ҳақ тўлаш ҳар бир кишининг бурчидир.**

**Фойдаланилган электр учун ҳар ойнинг 1—5 кунлари счет ёзиб, уларни беш кунлик муддат ичида Тошкент шаҳар меҳнат давлат омонат кассаларининг кирим кассаларига тўлаш лозим.**

Агар сиз электр учун ҳақ тўлашни унутиб қўйган бўлсангиз, уни тезда тўлашингизни маслаҳат берамиз.

**ЁДДА ТУТИНГ! Ўз вақтида электр ҳақи тўланмаса электр билан таъминлаш тўхтатиб қўйилади.**

---

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

БУТУНИТТИФОҚ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА УЧЕТ ВА ҲИСОБОТЛАРНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИНГ

**ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ вакант вазифаларга**

**КОНКУРС**

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**сектор мудири** (фан доктори ёки кандидати), **ихтисосликлар бўйича:** бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг анализи, соҳалар бўйича бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари.

**Конкурс муддати — 12 ноябргача.**

**Қуйидаги адресга мурожаат этилсин:** Тошкент шаҳри, 77-алоқа бўлими, Луначарский шоссеси, 42-уй. Телефонлар: 67-56-68, 67-29-60, 67-53-39.

---

# Китобсеварлар диққатига!

**ШАҲАР КИТОБ МАГАЗИНЛАРИДА ТОПШИРИЛГАН МАКУЛАТУРАЛАР ТАЛОНИГА АЛМАШТИРИЛАДИГАН КИТОБЛАР БОР:**

**МИНГ БИР КЕЧА** (1-3 жилдли).

**1 жилд. БИР СОАТЛИ ХАЛИФА.**

**2 жилд. ДЕНГИЗЧИ СИНДБОД.**

**3 жилд. МАЛИКА БУДУР.**

**В. Гюго. ТЎҚСОН УЧИНЧИ ЙИЛ.**

**Т. Драйзер. БАХТИ ҚАРО КЕРРИ.**

**Л. Кассиль. КИЧИК ЎҒИЛ КЎЧАСИ.**

**А. Чапигин. СТЕПАН РАЗИН.**

**ШАРЛЬ ДЕ КОСТЕР УЛЕНШПИГЕЛЬ ҲАҚИДА ҚИССА.**

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

1-Пушкин кўчаси, Марказ-1 квартали, 6-корпус (телефон 33-37-27).
2-Навоий кўчаси, 42-уй (телефон 42-24-68).
4-Привокзальная кўчаси, 12-уй (телефон 39-28-03).
11-М. Горький кўчаси, 73-уй. (телефон 62-52-02).
14-2/4-Қорақамиш массиви, (телефон 29-86-36).
15-У. Юсупов кўчаси, 101-уй. (телефон 41-12-23).
16-Гагарин кўчаси, 66-уй (телефон 77-14-71).
18-Сергели, 9-квартал, 69-уй (телефон 58-38-35).
23-Чилонзор массиви, В-23 квартали, 58-уй (телефон 74-66-45).
32-Обидова кўчаси, «Узбексельмаш» заводи (телефон 34-54-10).
37-Юнусобод массиви, бозор (телефон 21-01-13).
41-Қорасув-2 массиви, 18-уй (телефон 64-74-70).
44-Лисунов кўчаси, 1«а»-уй (телефон 96-04-70).
45-Б. Хмельницкий кўчаси. (телефон 55-61-53).
46-Космонавтлар проспекти, 39-уй (телефон 56-75-03).

**«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ БЎЛИМИ.**

---

# Куз либослари



КУЗ ПАЙТИДА СУВ ЮҚТИРМАЙДИГАН ГАЗЛАМАДАН ТИКИЛГАН КУРТКА ВА ПАЛЬТОЛАР ҚУЛАЙ ЛИБОСЛАР ҲИСОБЛАНАДИ.

«ЎЗБЕКИСТОН» фирма ва савдо бирлашмасининг

## I-МАГАЗИНИДА

САМАРҚАНД ТИКУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ БУЮМЛАРИ СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН.

**Хотин-қизлар учун қирмизи тусли полиэстрдан тикилган, қавиқли, кнопка тугмали ПАЛЬТОЛАР. Размери 48. Баҳоси —102 сўм. 20 тийин;**

**эркаклар учун замш, полиэстр, капрон газламасидан тикилган КУРТКАЛАР. Размери 46 дан 50 гача.**

**Баҳоси — 45 сўмдан 96 сўм 40 тийингача.**

Адрес: Навоий кўчаси, 18-уй (8, 18-троллейбуслар, 7, 8, 11, 15, 16-трамвайлар ва метронинг «Пахтакор» станцияси).

**ЎЗБЕКИСТОН ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИ (телефон 41-23-64).**

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).**

---




# «Белорусь»да касб ўрганинг

14-«БЕЛОРУСЬ» МАКТАБ-МАГАЗИНИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИЛИГИ КАСБИГА ЎРГАТИЛАДИ.

**ЎҚИШГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР КИРИШЛАРИ МУМКИН.**

**Ўқиш муддати 6 ой бўлиб, у меҳнат стажига қўшилади.**

**Мактаб-магазинни аъло баҳолар билан битирганлар ўрта махсус ёки олий ўқув юртларига ўқишга юборилади.**

**Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:** директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, таржимаи ҳоли, характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см), турар жойидан справка.

**Бизнинг адрес:** Тошкент шаҳри, Куйбишев районы, Луначарский шоссеси, 50-уй (18, 17-троллейбуслар, 1-автобуснинг «Партия мактаби» бекати).

**КУЙБИШЕВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ БЎЛИМИ.**

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).**

---

# Ўқишга марҳамат!

**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника давлат комитети ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ БАЗАСИДАГИ 34-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1986-1987 ўқув йили учун ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА**

# ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Маъмурий, савдо ва бошқа объектлар электрон сигналлаштириш системаларини монтаж қилиш, уларга хизмат кўрсатиш ва ремонти бўйича электр монтёр (Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаб қайтган кишилар қабул қилинади), ўзгарувчан ток туташув тармоғининг электр монтёри, инженерлик-техника қурилмалари ва экскаваторларнинг слесарь-электриклари, лифтларнинг электр механиклари — **10-СИНФ БАЗАСИДА. Ўқиш муддати бир йил;**

ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь, 4-5 классдаги станциялар бўйича навбатчи — **8-10 СИНФ БАЗАСИДА. Ўқиш муддати 1 йил ва 3 йил;**

сигнализация, централизация, блокировка ва алоқа электр монтёри; электр-газ пайвандчи — **8-СИНФ БАЗАСИДА. Ўқиш муддати 3 йил.**

Билим юртининг 3 йил таълим группаларини тамомлаган ўқувчилар ўрта маълумот ҳақида аттестат ва эгаллаб чиққан тегишли касби бўйича диплом оладилар.

**Ўқувчиларга 70 сўм ҳажмида стипендия тўланади.**

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, ишлаб чиқариш даврида ишлаб топган маошининг 50 проценти билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УМУМИЙ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини битириб чиққанлар темир йўл транспорти ходимларига берилган барча имтиёзлардан фойдаланадилар. Жумладан Совет Иттифоқининг исталган ерига темир йўл транспорти орқали бепул бориб-келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе районы, Охунбобоев кўчаси, 68-уй (4, 7, 24, 11, 28, 9-трамвайлар; 13, 16-троллейбуслар; 54, 57, 58-автобусларнинг «Киров номли боғ» бекати). Телефон 55-63-20.

---

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**КАРЛ МАРКС КЎЧАСИДА**

# «ПАЛОВЛАР ВА ОБИ НОНЛАР КУНИ»

**ШУ МАВСУМДА ОХИРГИ МАРТА ЎТКАЗИЛАДИ**

**Ана шу кунлари қўли гул ошпаз ва нонвойлар 30 хилдан зиёд палов ва 15 хил обинонларни тайёрлаб маҳоратларини намойиш қиладилар.**

**«ПАЛОВЛАР ВА ОБИНОНЛАР КУНИ» БАЙРАМИ 7 ноябрда— соат 17.00 да.**

**8 ноябрда — соат 16.00 да бошланади.**

**14 ноябрдан бошлаб ҳар ҳафтанинг жума куни А. Навоий номидаги театр майдонида соат 12 дан 17.00 гача шаҳар савдо-кўргазмаси ташкил этилади.**

Бу савдо-кўргазмада шаҳарнинг 8 та ошхоналар тресты ва ресторанлар тресты корхоналари қатнашадилар.

**15 ноябрдан бошлаб ҳар ҳафтанинг шанба куни соат 12 дан 17.00 гача қуйидаги майдонларда ва кўчаларда савдо-кўргазмалари ўтказилади.**

Куйбишев районида —Пушкин кўчасидаги «Болалар дунёси» магазини олдида;

Октябрь районида «Москва» меҳмонхонаси олдида;

Фрунзе районида — Тўқимачилар маданият саройи олдида;

Ленин районида — Темирйўлчилар маданият саройи майдонида;

Киров районида — «Орзу» кафеси олдида;

Чилонзор районида — Чилонзор ЦУМи майдонида;

Ҳамза районида — «Звезда Востока» маданият саройи майдонида;

Собир Раҳимов районида — 1-Қорақамиш массиви бозори олдида;

Акмал Икромов районида —«Шуҳрат» кафеси олдида;

Сергели районида — Совет Армияси майдонида.

САВДО-КЎРГАЗМАЛАРИДА, САБЗАВОТ, БАЛИҚ, ПАРРАНДА, ГЎШТДАН ТАЙЁРЛАНГАН МАСАЛЛИКЛАР ВА ТАОМЛАР ҲАМДА КОНДИТЕРЛИК НЕЪМАТЛАРИ КЕНГ КЎЛАМДА СОТУВГА ҚЎЙИЛАДИ.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-11-22).**

---

# Эркакларга аталган

«ТОШКЕНТ» САВДО ФИРМАСИ СОВҒАЛАР МАГАЗИНЛАРИДА СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН БУЮМЛАР ОРАСИДА ЭРКАКЛАРГА АТАЛГАН СОВҒАЛАР ТАЛАЙГИНА.

**кийимлар ва трикотаж;**

**«Слава», «Зим», «Полёт» қўл механик соатлари;**

**мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энг яхши маркали «ХАРЬКОВ», «ЭРА», «МИКМА», «НЕВА» электр устаралари;**

**«О, ЖЕН», «ДИСКО», «ИВ» одеколонлари;**

Бу магазинларда хотин-қизларга мос келадиган кўплаб совға буюмлари бор. Айниқса косметика, парфюмерия, галантерея буюмлари эгаларига манзур бўлади;

БАЙРАМ АРАФАСИ КУНЛАРИДА СИЗЛАРНИ МАГАЗИНЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ:

8-Олмазор массиви, 6-7-уй (метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси);

12-Халқлар дўстлиги проспекти, 5-уй (метронинг «Ҳамза» станцияси);

16-Луначарский шоссеси, 123-уй (101-автобуснинг «Севастополь кўчаси» бекати).

5-6 ноябрь кунлари магазинлар 22.00 гача ишлайди.




**«ТОШКЕНТ» САВДО ФИРМАСИ (телефон 24-25-96).**

**«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).**

---

РЕСПУБЛИКА САТИРА ТЕАТРИДА

**6 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА**

**Абдулла Қаҳҳор асари.**

«ТОБУТДАН ТОВУШ»

(2 пардали сатирик комедия).

**8 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА**

**Саид Аҳмад, О. Фармон, Н. Отабоев.**

«ГАП ЭГАСИНИ ТОПАДИ»

(2 қисмдан иборат)

САТИРА КЕЧАСИНИ НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

Адрес: Уйғур кўчаси, 2-уй. Ўзбек давлат «Ёш гвардия» драма театри биносида.

---

**ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Тошкент область статистика бошқармасининг ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ «ВК-СМ-1600» электрон ҳисоблаш машиналарини фойдаланиш учун**

# ИЖАРАГА ТОПШИРАДИ

Ташкилотларга тегишли қулайлик яратиб берилади ва улар «Демос» ва «4 ОС РВ» операцион системалар муҳитида ишлайдилар. Бу ҳисоблаш машиналари кўп терминалли мультипрограммали пухта иш тартиби таъминловчи ва кенг кўламли иқтисодий-инженерлик, илмий ва техникавий масалаларни ҳал этадиган юқори қувватли кучли программалаштириш тили бўйича катта имкониятларга эга.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 42-уй. Телефонлар: 67-46-92, 67-56-65, 67-56-56.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55-37, 32-53-83; саноат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95, 32-55-32; хатлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р—11051. Газета якшанбадан ташқари ҳар куни, бир йилда 300 марта чиқади. Тиражи — 50.381. Б—2127. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.